

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ
ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҶАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ
ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ЗИЯЕВ КАМОЛИДДИН ЗУХРИТДИНОВИЧ

**АВТОМОБИЛЬ ҲАРАКАТ РЕЖИМЛАРИНИ СИНТЕЗ УСЛУБИ
БИЛАН МЕЪЁРИЙ ҲАРАКАТ ЦИКЛИНИ ЯРАТИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусенициали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

| | |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Зияев Камолиддин Зухритдинович | |
| Автомобиль ҳаракат режимларини синтез услуби билан меъёрий ҳаракат циклини яратиш | 3 |
| Зияев Камолиддин Зухритдинович | |
| Разработка нормативного ездового цикла методом синтеза режимов движения автомобиля..... | 25 |
| | |
| Ziyaev Kamoliddin Zukhritdinovich | |
| Developing regulated driving cycle through method for synthesis of motion regimes of the automobile..... | 47 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати | |
| Список опубликованных работ | |
| List of published works | 51 |

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ
ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҶАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ
ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ЗИЯЕВ КАМОЛИДДИН ЗУХРИТДИНОВИЧ

**АВТОМОБИЛЬ ҲАРАКАТ РЕЖИМЛАРИНИ СИНТЕЗ УСЛУБИ
БИЛАН МЕЪЁРИЙ ҲАРАКАТ ЦИКЛИНИ ЯРАТИШ**

05.08.06 – Ғилдиракли ва гусенициали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PHD/T155 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-сахифаси (www.tayi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталаида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухитдинов Ақмал Анварович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алимухамедов Шавкат Пирмухамедович
техника фанлари доктори, профессор

Иноятходжаев Жамшид Шухратуллаевич
техника фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техникауниверситети

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкентдаги Турин политехникауниверситети хузуридаги DSc.27.06.2017.T.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент, А.Темур шоҳ кўчаси 20-йи. Тел./факс: (99871) 232-14-39, e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (167 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20-йи. Тел.: (99871) 232-14-39.

Диссертация автореферати 2017 йил «_____» куни тарқатилди.
(2017 йил «_____» даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А.Рискулов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

А.М.Бабоев

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доцент

А.А.Назаров

Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергетик самарадорлик ва энерготежамкорлик иқтисодиёт ўсишининг мухим йўналишларидан бири бўлиб, энергиядан самарали ва экологик жиҳатдан хавфсиз техника ва технологияларни ишлаб чиқишига қаратилган тадқиқотлар етакчи ўринни эгаллаган. Бу борада ривожланган чет эл мамлакатларида, жумладан «АҚШ, Европа, Канада, Германия, Швеция, Япония, Австралия ва бошқа давлатларда маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда енгил автомобильларнинг ёнилғи ва экологик хусусиятларини маълум эксплуатацион шароитда ҳаракатланиш жараёнини ифодаловчи умумлашган цикллари орқали баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда»¹.

Жаҳонда меъёрий ҳаракат циклларида аниқланган автомобильдан чиқаётган заарали газлар ва ёнилғи сарфи миқдори реал ҳаракат шароити билан мутаносиб эмаслиги туфайли маълум эксплуатация шароитини ифодаловчи ҳаракат циклларини ҳамда уларни ишлаб чиқиш услубларини такомиллаштириш мухим аҳамият касб этмоқда. Бу борада, жумладан, автомобиль ҳаракат режимларини аниқлаш жараёнига замонавий ахборот-технологияларини жорий этиш билан автомобильларнинг эксплуатацион самарадорлигини ошириш, автомобильларнинг ёнилғи сарфини меъёrlашда ҳаракат шароитлари таъсирини баҳолаш орқали унинг конструктив параметрларини модернизация қилиш, маълум эксплуатация шароитига мақбул автомобиль ва автомобиль конструкцияси параметрларини танлаш услубларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш мухим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, табиий ресурслардан ва энергиядан самарали фойдаланиши белгилайдиган замонавий миллий меъёрий хужжатларни амалга тадбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратди. Бу борада, автотранспорт воситаларининг конструктив потенциалидан рационал фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш, автомобиль конструкцияларига ҳамда эксплуатация жараёнида замонавий ахборот-технологияларини қўллаш ҳисобига модернизация қилиш имконияти яратилди. Шулар билан бир қаторда автомобильларнинг ҳаракат шароитини ифодаловчи меъёрий ҳаракат циклини яратиш орқали автомобиль конструкцион параметрларини эксплуатация шароитига мос танлашни ёки такомиллаштиришни талаб этмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «.... миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш....»² алоҳида таъкидлаб ўтилган. Мазкур

¹<https://www.dieselnet.com/standards/>

²2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармон

вазифани амалга ошириш, жумладан, шаҳар шароитини ифодаловчи меъёрий ҳаракат циклини яратиш, шаҳарда автомобиллар ҳаракатланиш режимлари моделининг мураккаблик даражасини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш, автомобилларнинг ёнилғи ва экологик хусусиятларини баҳолаш синов жараёнларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар киритиш ҳакида» ги Қонун (2007й.), 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Президент Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли «2017–2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чоратадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 августдаги 164-сонли «Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолчиларини энергетика текширувидан ва экспертизадан ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергетика, энергия - ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Меъёрий ҳаракат цикларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаракат цикларида автомобилларнинг эксплуатацион хусусиятларини яхшилаш соҳасида жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан, Yingji Liu, J.Wishart, E.Tzirakis, D.Niemeier, R.Barnitt, P.Nyberg, U.Galgamuwa, U.Gamer, M.Metchke, J.Wong, T.J.Barlow, S.Latham, J.Kreicbergs, Е.А.Чудаков, Я.Е.Фаробин, В.С.Шупляков, И.С.Шлиппе, А.С.Литвинов, Д.П.Великанов, Н.Я.Говорущенко, Г.В.Зимелев, М.И.Лурье, А.Н.Нарбут, Д.А.Рубец, А.А.Токарев, В.Н.Иванов, А.М.Иванов, Л.Г.Резник, А.В.Маняшин, С.А.Маняшин, В.И.Ерохов, Е.М.Платонов, А.М.Шейнин, Б.С.Фалькевич, М.А.Айзerman, Н.В.Диваков, В.А.Петров, Р.Р.Двали, Г.А.Смирнов, А.К.Фрумкин ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган. Ҳозирда автомобиль эксплуатацион хусусиятларини баҳолаш мақсадида 265 дан зиёд магистрал ҳамда шаҳар ҳаракат циклари ишлаб чиқилган³.

Юртимизда автомобилнинг эксплуатацион хусусиятларини баҳолаш услубларини такомиллаштириш, хусусан, ҳаракат цикларида автомобилларнинг ёнилғи ва экологик самарадорлигини яхшилаш бўйича бир қатор олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан,

³ https://www.gov.uk/government/uploads/system/uploads/attachment_data/file/4247/ppr-354.pdf

О.В.Лебедев, С.М.Қодиров, Б.А.Ходжаев, В.А.Акопов, М.Мусажонов, Ж.Р.Қульмухамедов, А.А.Мухитдинов, Ш.Эрбеков ва бошқалар бу соҳада мавжуд меъёрий ҳаракат цикларида автомобиль конструкцияси параметрларининг ёнилғи ва экологик хусусиятларига таъсирини ҳисобга олувчи турли масалаларни назарий ва экспериментал тадқиқотлар орқали ҳал этиб ижобий натижаларга эришган.

Бугунги кунда ҳаракат интенсивлиги ва режимлари фарқланадиган шаҳарлар реал ҳаракат шароитини ифодалайдиган ҳаракат циклини қуриш услубини яратиш етарлича ҳал этилмаган. Хорижий мамлакатларда ҳаракат циклини ишлаб чиқиш улубларининг таҳлили синов даврида айрим кўчаларни қамраб олиниши туфайли реал ҳаракатланиш шароити кўрсаткичларини тақрорламаслигини ва ҳисоб услублари етарли эмаслигини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-13-068 «Ёқилғи тежамкорлиги ва экологик хавфсизлиги бўйича автомобиль перспектив конструкциясининг параметр ва бошқарув режимларини танлашнинг илмий асослари» (2006–2008), А-3-88 «Логистика марказларининг юқ ташиш самарадорлигини ошириш (Ангрен логистика маркази мисолида)» (2012–2014) ва А-3-57 «Шаҳар шароитида енгил автомобилларнинг энергетик самарадорлигини баҳолаш услубиёти» (2015–2017) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади енгил автомобилларнинг шаҳар шароитида ҳаракат режимларини ифодаловчи меъёрий ҳаракат циклини аниқлаш услубини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мавжуд меъёрий ҳаракат цикларини автомобилларнинг реал ҳаракат режимлари параметрларига мослиқ даражасини баҳолаш;

меъёрий ҳаракат цикларининг муракқаблик даражасини баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш;

замонавий ахборот технология воситаларини қўллаган ҳолда шаҳар ҳаракат режимларини аниқлаш синов комплекси ва синов услубини яратиш;

шаҳар шароитида автомобиль ҳаракат режимлари статистик маълумотларини таҳлил қилиш услубини яратиш;

автомобилнинг ҳаракат режимларини синтезлаш орқали шаҳар шароити меъёрий ҳаракат циклини аниқлаш услубини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шаҳар шароитида ҳаракатланадиган енгил автомобиллар олинган.

Тадқиқотнинг предмети шаҳар шароитида енгил автомобиллар ҳаракат режимларининг фазалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида эксперимент, кузатув, математик статистика ва моделлаштириш, мультиплекатив ва йиғинди

усуллари, кластерли, тизимли ва назарий таҳлил, асосий компонентларни синтезлаш, абстрактлаш ва индукция усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

шахар шароитида автомобиль ҳаракати режимларини синтезлаш орқали ҳаракат циклини аниқлаш услуби яратилган;

меъёрий ҳаракат цикларининг мураккаблик даражасини баҳолаш мезони ишлаб чиқилган;

шахар шароитида автомобиллар ҳаракат режимлари мониторинги маълумотларининг таҳлил тизими яратилган;

Тошкент шахри ҳаракат шароитини ифодаловчи енгил автомобиль ҳаракат цикли яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

шахар ҳаракат режимини аниқлаш синов комплекси ва мавсум, ҳафта кунлари, кун соатлари бўйича эксплуатация шароитига баҳо бериш мантиқий ҳисоб дастури ишлаб чиқилган;

шахар шароитида ҳаракатланадиган автомобилларнинг ёнилғи сарфини меъёrlаш учун Тошкент шахри реал шароитини ифодаловчи ҳаракат цикли ишлаб чиқилган;

автомобилларнинг тортиш тезлик ва ёнилғи тежамкорлик хусусиятини аниқлаш синов комплекси ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

шахар ҳаракат режимининг мураккаблик даражасини баҳолаш мезони орқали ҳаракат шароити муракаблигини ва шароитга автомобилнинг ёнилғи тежамкорлиги бўйича мослигини баҳолаш мумкин;

автомобилларнинг ҳаракат кўрсаткичлари ва режимларини синтезлаш орқали ишлаб чиқилган реал ҳаракат шароитини ўзида акс эттирувчи шахар ҳаракат цикли билан автомобилларнинг ёнилғи тежамкорлик ҳамда экологик хусусиятлари кўрсаткичларини меъёrlаш жараёни такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилигини тажрибавий тадқиқотлар, замонавий услуг ва синов жиҳозлари орқали катта ҳажмли маълумотларнинг статистикаси, олинган тажриба натижаларининг бошқа тажриба натижаларига мос келиши билан таъминланганлиги, яратилган математик статистика методларини қамраб олган модел ёрдамида қайта ишланган ҳамда тажриба ва ҳисоб маълумотларининг қиёсий таҳлили ва уларнинг ўзаро мослиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот бўйича олинган натижаларнинг илмий аҳамияти ҳаракат интенсивлиги ва режимлари фарқланадиган шаҳарларнинг реал ҳаракат шароитини ифодаловчи ҳаракат цикларини ишлаб чиқиши мантиқий ҳисоб дастури ва аналитик ҳисоб услублари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти автомобилларнинг ҳаракат кўрсаткичлари ва режимларини синтезлаш орқали шахар ҳаракат циклини ишлаб чиқиши услуби ёрдамида шахар ҳаракат циклини яратиш, шунингдек, ишлаб чиқилган Тошкент шахри ҳаракат цикли енгил автомобилларнинг ёнилғи ва экологик хусусиятларини меъёrlашда тадбиқ этиш орқали атроф-

мухитни заарли газлардан ҳимоя қилиш ва ёнилғи ресурсларини тежаш даражасини баҳолаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Автомобиль ҳаракат режимларини синтез услуби билан меъёрий ҳаракат циклини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

Шаҳар ҳаракат режими учун енгил автомобилларнинг шаҳар шароитида ҳаракатланиш меъёрий циклини яратиш услуби Ўзбекистон республикаси автомобиль ва дарё транспорт агентлигига жорий этилган (Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2017 йил 30 октябрдаги маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаси, Тошкент шаҳри эксплуатацион шароитини ифодаловчи ҳаракат циклини яратиш имконини берган;

Тошкент шаҳрида автомобилларнинг ҳаракатланиш шароитини ифодаловчи ҳаракат цикли енгил автомобилларнинг ёнилғи сарфини ва экологик хавфсизлик кўрсаткичларини меъёrlаш жараёнига Ўзбекистон республикаси автомобиль ва дарё транспорт агентлигига жорий этилган (Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг 2017 йил 30 октябрдаги маълумотномаси). Жорий этилиши тажриба синовлари ҳаражатларини 60% камайтириш, меҳнат унумдорлигини 35 % ошириш имконини берган;

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган енгил автомобилларнинг ёнилғи тежамкорлик ва энергетик хусусиятларини ҳаракат цикларида баҳолашда йўл синовларини ташкил этиш услуби, мавжуд ҳаракат цикларини мураккаблик даражасини баҳолаш мезони «Ўзавтосаноат» АЖда жорий этилган («Ўзавтосаноат» АЖнинг 2017 йил 7 ноябрдаги 15/03-25-3642-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқот натижаси, ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларнинг конструкция параметрларини танлаш, уларни муайян шароит учун энергетик самарадорлигини баҳолаш ва шаҳар шароитидаги ёнилғи сарфини аниқлашга йўналтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 17 та республика илмий-амалий анжуманларида мухокамадан ўтказилган.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, 6 та дастурий ишланмага муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 101 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯ НИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмидаги ўтказилган тадқиқотларнинг долзарбилиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Шахар ҳаракат циклини ишлаб чиқиши услуби ҳозирги ҳолатини тизимли таҳлили» деб номланган биринчи бобида ҳаракат цикларини қуриш услублари, ҳаракат кўрсаткичлари ва режимлари кўрсаткичларига таъсир этувчи омиллар ҳамда уларнинг автомобиль ёнилғи сарфига таъсири борасида қилинган тадқиқот ишларининг тизимли таҳлили келтирилган. Шулардан келиб чиқиб, диссертациянинг асосий мақсади, йўналиши ва масалаларини ифодаловчи ишланмалар баён этилган. Хусусан, двигатель ва трансмиссия кўрсаткичларининг такомиллашиш ҳамда автомобиль ёнилғи меъёrlаш услубларининг ривожланиш йўли, автомобиль ҳаракатланиш режимлари кўрсаткичларини аниқлашда замонавий ахборот технологиялари воситаларининг қўлланилиши, шаҳар ҳаракат циклари кўрсаткичлари ва уларни ишлаб чиқиши услубларининг ўзига хослиги ва таҳлилидан ўрин олган.



1-расм. Двигатель солишишима қуввати бўйича автомобилларнинг русумлари (1998 йилдаги қиймати 100 % деб қабул қилингандан)

Автомобиль ва двигателнинг конструктив параметрлари ҳаракатланиш шароитининг ҳусусиятларига боғлиқ равишда автомобиль эксплуатацион ҳусусиятларининг самарадорлигини белгилайди. 1998 йилга нисбатан

хозирги кунда дунёда ишлаб чиқарилаётган автомобиль русумларининг двигатель кўрсаткичи 70 кВт/т дан юқори солиширига қувватга тўғри келувчи автомобилларнинг русумлари ортган (1-расм). Шу билан бир қаторда двигателларнинг иш ҳажми деярли ўзгармаган ҳолда, ҳажм бирлигига тўғри келувчи қувват миқдори юқори автомобиль русумлари ҳам ортган. Натижада ишлаб чиқарилаётган автомобилларнинг динамикаси ортган. Шаҳарда автомобиллар ўртача тезлигининг пасайиши бу потенциалдан тўлиқ фойдаланиш имконини бермайди. Шу сабабли автомобилларнинг конструктив параметрларини белгилашда эксплуатация шароитини инобатга олиш талаб этилади.

Таҳлил қилинган 200 дан зиёд мавжуд меъёрий ҳаракат цикларининг турли бўлиши автомобиль ишлаб чиқарувчи томонидан қўйилган талабларнинг турлилигига боғлиқ. Бу цикллар автомобилнинг маълум бир хусусиятини яхшилаш учун конструкциясини мукаммаллаштиришга қаратилган бўлиб, реал эксплуатация шароитини ифодаламайди. Автомобилнинг конкрет эксплуатация шароитига мослигини, айниқса, ёнилғи тежамкорлиги, экологик хавфсизлиги, энергетик самарадорлиги ва бошқа хусусиятларини аниқлаш масаласи шу шароитни ифодаловчи ҳаракат циклини тақозо этади. Шунинг учун бундай циклни ишлаб чиқиш услубини яратиш лозим.

Диссертациянинг **«Шаҳарлар меъёрий ҳаракат циклини яратишнинг назарий тадқиқотлари»** деб номланган иккинчи бобида шаҳар шароитида енгил автомобиль ҳаракат кўрсаткичларининг ўзгариш динамикаси, автомобиль ҳаракат режимларининг фазаларини аниқлаш мантиқий ҳисоб дастури, автомобиль ҳаракат режимларини синтезлаш орқали меъёрий ҳаракат циклини яратишнинг мантиқий ҳисоб дастури, ҳаракат цикларининг мураккаблик даражасини баҳолаш мезони каби изланишлар келтирилган.

Автомобилнинг ҳаракат кўрсаткичлари кинематик параметр бўлиб оний/ўртача/максимал/минимал тезлик, тезланиш, секунланиш, салт вақти кабилардан ташкил топади. Бу кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси автомобилнинг ўртача техник тезлигини шакллантиради. Ўртача техник тезлик кун соатлари, ҳафта кунлари ҳамда фасллар таъсирида ўзгарилиши. Яратиладиган ҳаракат циклининг аниқлик даражаси шаҳардаги автомобилларнинг ўртача техник тезлигига мувофиқ солишириш орқали баҳоланади. Тошкент шахридаги автомобилларнинг ўртача техник тезлигини аниқлаш учун бир нечта енгил автомобилларнинг бир йил давомидаги техник тезликлари Teltonika FM 1000 жиҳози ёрдамида қайд этилди. Қайд этилган натижалардан иборат вариацион қатор тузилди ва унинг оралиқлари сони К. Брукс таклиф этган мезон орқали аниқланди:

$$k \leq 5 \log n.$$

бу ерда k – тақсимот оралиқларининг минимал сони; n – кузатишлар сони.

Оралиқ кенглиги енгил автомобиллар техник тезликларининг энг катта ва энг кичик қийматлари фарқини, вариация қатор оралиқлар сонига нисбати орқали аниқланади:

$$d = \frac{x_{\max} - x_{\min}}{k} = \frac{x_{\max} - x_{\min}}{5 \log n}.$$

Ўртача техник тезлик:

$$V_{\bar{y}p} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n X_i = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_i n_i,$$

бу ерда x_i – автомобиль техник тезлигининг кузатилган қиймати, (км/соат).

Ўртача квадратик четлашиш (оғиши):

$$\sigma_x = \sqrt{\frac{\sum (X_i - V_{\bar{y}p})^2}{n}}.$$

Ўртача қиймат ва ўрта квадратик оғиши аниқлашнинг бир қатор усуллари мавжуд. Ўртача техник тезликлар таҳлили бўйича мультиплекатив ва йифинди усулларининг ҳисоб натижалари 2 % дан ортиқ бўлмаган фарқни кўрсатди. Шунинг учун автомобильнинг ўртача техник тезлигини аниқлашда ушбу икки усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ (1-жадвал). Агар вариация коэффициенти 0.30 дан катта бўлмаса, тенглама бир жинсли ҳисобланади ҳамда кузатилган ўртача техник тезликлар сони етарли, деб қабул қилинади.


1-жадвал

Ўртача техник тезликларни аниқлаш услублари

| Йифинди усули | Мультиплекатив усул |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------|
| Ўртача техник тезлик | |
| $x_{\infty} = x_k - d \left(\frac{M}{n} - 1 \right);$ | $x_{\infty} = x_a + \frac{d}{n} B; B = \sum_i I_{n_i} n_i;$ |
| Бу ерда d – оралиқлар кенглиги; M – умумий ўртача техник тезлик қийматларининг сони; x_a – ўртача тезлик қийматларининг ўрта қиймати; I_n – шартли интерваллар. | |
| Ўртача техник тезлик дисперсияси | |
| $\sigma_x^2 = \frac{d^2}{n-1} \left(2 \sum_i T_i - M - \frac{M^2}{n} \right);$ | $\sigma_x^2 = \frac{d^2}{n-1} \left(A - \frac{B^2}{n} \right); A = \sum_i I_{n_i}^2 n_i;$ |
| Бу ерда T_i – ўртача техник тезлик қийматларининг йиғма частотаси. | |
| Ўртача техник тезликнинг ўрта квадратик четлашиши | |
| $\sigma_x = \sqrt{\sigma_x^2}$ | |
| Вариация коэффициенти | |
| $V = \frac{\sigma_x}{x_{\infty}}$ | |

Юқорида келтирилган услубда ҳар бир кун соатлари, ҳафта кунлари ва фасллар бўйича ўртача техник тезликлар аниқланди (2-расм). 2015 йил июль ойидан 2016 йил июль ойига қадар 50 дан ортиқ енгил автомобильларнинг

харакатидан 105112 та техник тезлик қийматлари аниқланди. Шу рақамлар асосида Тошкент шаҳрининг ўртача техник тезлиги 25.9 км/соат экан деб хулоса қилинди, ўзгариш диапазони: кун соатлари бўйича 11.2%; ҳафта кунлари бўйича 6.2%; фаслларда 3.1% бўлди. Катта массив маълумотларини тез ва сифатли қайта ишлаш учун “Шаҳар шароитида енгил автомобилларнинг ўртача техник тезлигини аниқлаш компьютер дастури” яратилди.



2-расм. Тошкент шаҳрида автомобилларнинг ўртача техник тезлиги ўзгариши

Шаҳар ҳаракат циклини қуриш учун шаҳардаги автомобиллар ҳаракатланиш режимлари фазаларини алоҳида таҳлил қилиш ва барча фазаларни синтезлаш керак. Бунинг учун автомобилларнинг ҳаракатланиш кўрсаткичлари ва режимларига таъсир этувчи омилларнинг бошланғич функционал боғлиқлигининг умумий кўриниши белгилаб олинди:

$$f(x) = (X_1, X_2, \dots, X_n),$$

бу ерда X_1 —чорраҳаларнинг оралиқ масофалари; X_2 —чорраҳаларнинг ўзаро мослашганлигига; X_3 —автомобиль тури; X_4 —об-ҳаво ва иқлим шароитлари; X_5 —кўчаларнинг геометрик кўрсаткичлари; X_6 —транспорт оқимининг таркиби ва ҳаракат жадаллиги; X_7 —йўл қопламаларининг сифати; X_8 —соат, кун, ҳафта ва ой қирқимида ҳаракат вақти.

Синов натижаси бўйича аниқланган автомобиллар ҳаракати режимлари қуйидаги режимлар бўйича таҳлил қилинди: салт ишлаш ёки тўхтаб туриш режими ($V_a=0$; $\omega_e=\omega_{xx}>0$; $S=0$; $t>0$); ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режими ($j_a=0$; $V_k=V_n$; $S>0$; $t>0$); тезланиш режими ($j_a>0$; $V_k>V_n$; $S>0$; $t>0$); секинланиш режими ($j_a<0$; $V_k<V_n$; $S>0$; $t>0$). Автомобиль ҳаракати тезлик

кўрсаткичлари БМТ ЕИК 83-қоидасига мувофиқ ± 1 м/с чегаравий четлашишдан келиб чиқкан ҳолда аниқланди.

Ҳар бир режимни батафсил кўриб чиқамиз.

а) салт ишлаш ёки тўхтаб туриш режимини: автомобилнинг оний тезлиги $V_{a_i} = 0$ ёки $V_{a_i} < 1$, $V_{a_{i-1}} = V_{a_{i+1}} = 0$ бўлса, у салт юриш ёки тўхтаб туриш режими деб қабул қилинади ва $V_{a_i} = V_c^n = 0$ га тенгланади

$$1 > \bigcup_{i=1}^x V_{a_i} \therefore V_{a_i} = V_c^n = 0 \text{ ва/ёки } 0 = \bigcup_{i=1}^x V_{a_i} \therefore V_{a_i} = V_c^n = 0.$$

бу ерда $x - n$ -даврда аниқланадиган сўнгти ҳад.

Салт юриш ёки тўхтаб туриш режимининг даври n_i кейинги режим келгунига қадар давом этади ва унинг умумий вақти қуидагича аниқланади:

$$t_c^n = t_{c_x}^n - t_{c_i}^n,$$

бу ерда $t_{c_i}^n - n$ -даврда салт ишлаш ёки тўхтаб туриш режимининг бошланиш вақти, с; $t_{c_x}^n - n$ -даврда салт ишлаш ёки тўхтаб туриш режимининг тугаш вақти, с.

б) ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режими: автомобилнинг оний тезлиги $V_{a_i} > V_{a_{i+1}} - 1$, $V_{a_i} < V_{a_{i+1}} + 1$, $V_{a_i} > V_{a_{i+2}} - 1$ ва $V_{a_i} < V_{a_{i+2}} + 1$ бўлса, автомобиль ўзгармас тезлик режимида ҳаракатланган деб ҳисобланади.

$$V_{\tilde{y}p}^n = \frac{\sum_{i=1}^x \left(V_{\tilde{y}p_i}^n \cdot (t_{i+1}^n - t_i^n) \right)}{t_{\tilde{y}m}^n}.$$

Ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режимининг даври n_i кейинги режим келгунига қадар давом этади ва унинг умумий вақти қуидагича аниқланади:

$$t_{\tilde{y}m_i}^n = t_{\tilde{y}m_x}^n - t_{\tilde{y}m_i}^n,$$

бу ерда $t_{\tilde{y}m_i}^n - n$ -даврда ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режимининг бошланиш вақти, с; $t_{\tilde{y}m_x}^n - n$ -даврда ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режимининг тугаш вақти, с.

Юқорида келтирилган тенглик ёрдамида автомобилнинг ўзгармас тезлиги қийматлари ҳар даврнинг ўртача тезлиги қийматида белгиланди:

$$\bigcup_{i=1}^x V_{\tilde{y}p_i}^n = V_{\tilde{y}p}^n.$$

в) тезланиш режими: $V_c^n < V_{\tilde{y}p}^n$ ёки $V_{\tilde{y}p}^n < V_{\tilde{y}p}^{n+1}$ бўлса, автомобиль тезланиш режимида ҳаракатланган деб қабул қилинади ва қуидагича аниқланади:

$$V_c^n < V_{\tilde{y}p}^n \therefore j_{me3}^n = \frac{V_{\tilde{y}p}^n}{t_{me3}^n},$$

$$V_{\dot{y}p}^n < V_{\dot{y}p}^{n+1} \therefore j_{mez}^n = \frac{V_{\dot{y}p}^{n+1} - V_{\dot{y}p}^n}{t_{mez}^n}.$$

Тезланиш режимининг даври n_i кейинги режим келгунига қадар давом этади ва унинг умумий вақти қуидаги аниқланади:

$$t_{mez}^n = t_{mez_x}^n - t_{mez_i}^n,$$

бу ерда $t_{mez_i}^n$ – n -даврда тезланиш режимининг бошланиш вақти, с; $t_{mez_x}^n$ – n -даврда тезланиш режимининг тугаш вақти, с.

Юқорида келтирилган тенглик орқали аниқланган тезланиш қийматлари ҳар даврнинг ўртача тезланиш қиймати бўйича белгиланди.

г) секинланиш режими: $V_{\dot{y}p}^n > V_{\dot{y}p}^{n+1}$ ёки $V_{\dot{y}p}^n > V_c^n$ бўлса, автомобиль секинланиш режимида ҳаракатланган деб қабул қилинади ва қуидаги аниқланади:

$$V_{\dot{y}p}^n > V_c^n \therefore j_{cek}^n = \frac{0 - V_{\dot{y}p}^n}{t_{cek}^n},$$

$$V_{\dot{y}p}^n < V_{\dot{y}p}^{n+1} \therefore j_{cek}^n = \frac{V_{\dot{y}p}^{n+1} - V_{\dot{y}p}^n}{t_{cek}^n}.$$

Секинланиш режимининг даври n_i кейинги режим келгунига қадар давом этади ва унинг умумий вақти қуидаги аниқланади:

$$t_{cek}^n = t_{cek_x}^n - t_{cek_i}^n,$$

бу ерда $t_{cek_i}^n$ – n -даврда секинланиш режимининг бошланиш вақти, с; $t_{cek_x}^n$ – n -даврда секинланиш режимининг тугаш вақти, с.

Юқорида келтирилган тенглик орқали аниқланган секинланиш қийматлари ҳар даврнинг ўртача секинланиш қиймати бўйича белгиланди.

Автомобилнинг умумий ҳаракатланиш вақти:

$$T_{ym} = T_c + T_{\dot{y}m} + T_{mez} + T_{cek}.$$

бу ерда T_c – салт ишлаш ва тўхтаб туриш режимидаги умумий вақт, $T_c = \sum_n t_c^n$,

$[c]$; $T_{\dot{y}m}$ – ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режимидаги умумий вақт,

$T_{\dot{y}m} = \sum_n t_{\dot{y}m}^n$, $[c]$; T_{mez} – тезланиш режимидаги умумий вақт, $T_{mez} = \sum_n t_{mez}^n$, $[c]$;

T_{cek} – секинланиш режимидаги умумий вақт, $T_{cek} = \sum_n t_{cek}^n$, $[c]$.

Автомобилнинг ҳаракатланиш режимлари салмоғи қуидаги тенгликлар орқали аниқланади:

Салт ишлаш ёки тўхтаб туриш

$$T_c \% = \frac{T_c}{T_{ym}} \cdot [\%];$$

Ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш

Тезланиш

Секинланиш

$$T_{\dot{y}m} \% = \frac{T_{\dot{y}m}}{T_{ym}}, [\%];$$

$$T_{me3} \% = \frac{T_{me3}}{T_{ym}}, [\%];$$

$$T_{cek} \% = \frac{T_{cek}}{T_{ym}}, [\%].$$

Автомобил босиб ўтган умумий йўл (м)

$$S_{ym} = S_{\dot{y}m} + S_{me3} + S_{cek};$$

бу ерда $S_{\dot{y}m}$ – ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режимидағи умумий йўл, $S_{\dot{y}m} = \sum_n^l (V_{\dot{y}p}^n \cdot t_{\dot{y}m}^n)$; S_{me3} – тезланиш режимидағи умумий йўл,

$V_{\dot{y}p}^n < V_{\dot{y}p}^{n+1} \therefore S_{me3} = \sum_n^l (V_{\dot{y}p}^n \cdot t_{me3}^n + \frac{j_{me3}^n \cdot t_{me3}^n}{2}^2)$ ёки $V_c^n < V_{\dot{y}p}^n \therefore S_{me3} = \sum_n^l (\frac{j_{me3}^n \cdot t_{me3}^n}{2}^2)$; S_{cek} –


секинланиш режимидағи умумий йўл, $V_{\dot{y}p}^n > V_{\dot{y}p}^{n+1} \therefore S_{cek} = \sum_n^l (V_{\dot{y}p}^{n+1} \cdot t_{cek}^n + \frac{j_{cek}^n \cdot t_{cek}^n}{2}^2)$ ёки

$$V_{\dot{y}p}^n > V_c^n \therefore S_{cek} = \sum_n^l (\frac{j_{cek}^n \cdot t_{cek}^n}{2}^2).$$

Автомобилнинг ўртача тезлиги (м/с)

$$V_{\dot{y}p} = \frac{S_{ym}}{T_{ym}}.$$

Енгил автомобильнинг ҳаракатини кузатиш синов маълумотлари юқорида келтирилган мантиқий ҳисоб дастури ёрдамида белгиланади (3-расм).



3-расм. Енгил автомобиль ҳаракат кўрсаткичлари қийматлари ва режимларини аниқлашнинг мантиқий ҳисоб дастури натижаси

Қайд этилган синов маълумотларини белгилаш орқали автомобилнинг босиб ўтган йўли S , ўртача тезлиги $V_{\text{a}\ddot{\text{y}}\text{p}}$, тезланиши ва секинланиши $\pm j$, барча ҳаракат режимлари учун сарфланган вақт $T_{\text{y}\text{m}}$, шунингдек, ҳаракат режимлари салмоғини аниқлаш имконини берувчи «Енгил автомобилларнинг ҳаракат режимлари ва кўрсаткичларини аниқлаш» мантиқий ҳисоб дастури яратилди.

Шаҳардаги автомобилларнинг ҳаракат режимлари салмоғини сақлаган ҳолда ҳаракат циклини ҳосил қилиш учун катта массив маълумотларини масштабда кичиклаштириш мақсадга мувофиқ

$$\tau_t = \frac{T_{\text{y}\text{m}}}{T_{\text{x}\text{u}}}.$$

бу ерда $T_{\text{x}\text{u}}$ – меъёрий шаҳар ҳаракат циклининг умумий вақти, с.

Барча ҳаракатланиш режимларига тўғри келган вақтлар мос равища куйидаги тенгламалар билан масштабланади:

ҳаракат циклида салт ишлаш ёки тўхтаб туриш режимининг вақти, с.

ҳаракат циклида ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режимининг вақти, с.

ҳаракат циклида тезланиш режимининг вақти, с.

ҳаракат циклида секинланиш режимининг вақти, с.

$$\left| \begin{array}{l} T_{\text{x}\text{u}}^c = \frac{T_c}{\tau_t}; \\ T_{\text{x}\text{u}}^{\text{y}\text{m}} = \frac{T_{\text{y}\text{m}}}{\tau_t}; \\ T_{\text{x}\text{u}}^{\text{m}\text{e}\text{z}} = \frac{T_{\text{m}\text{e}\text{z}}}{\tau_t}; \\ T_{\text{x}\text{u}}^{\text{c}\text{e}\text{k}} = \frac{T_{\text{c}\text{e}\text{k}}}{\tau_t}; \end{array} \right.$$


Ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режимининг фазалари таҳлили. Шаҳарда руҳсат этилган максимал тезлик қиймати 70 км/соат (19.4 м/с) келиб чиққан ҳолда, 0–70 оралиғига тўғри келган тезлик қийматларининг вариация қаторини К.Брукс тенламаси ёрдамида тузиб, ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режимини тўртта бўлакка ажратамиз: $\mathcal{G}_1^{\text{y}\text{m}}$ – тирбанд ҳаракатлар, $0 \div 5$ м/с; $\mathcal{G}_2^{\text{y}\text{m}}$ – ўрта тезликлар, $5 \div 10$ м/с; $\mathcal{G}_3^{\text{y}\text{m}}$ – юқори тезликлар, $10 \div 15$ м/с; $\mathcal{G}_4^{\text{y}\text{m}}$ – энг юқори тезликлар, $15 \div 20$ м/с. Ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режими белгиланган бўлаклар бўйича куйидагича яхлитланди:

$$\mathcal{G}_i^{\text{y}\text{m}} = \frac{\sum_{n=1}^l V_{\text{y}\text{p}}^n \cdot t_{\text{y}\text{m}_i}^n}{\sum_{n=1}^l t_{\text{y}\text{m}_i}^n} \therefore m_i < V_{\text{y}\text{p}}^n \leq k_i, [\text{м/с}],$$

бу ерда m_i – ажратилган бўлакнинг бошланғич тезлиги, [м/с];

k_i – ажратилган бўлакнинг сўнги тезлиги, [м/с].

Хар бўлак учун аниқланган ўртача тезликлар ва уларнинг давомийлиги ҳаракат циклида (масштабда) ўз аксини топади (4-расм).



4-расм. Автомобилнинг ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш режимини бўлаклар бўйича таҳлил натижаси

Тезланиши режимининг фазалари таҳлили. Тезланиш режимининг ҳаракат циклидаги қийматларини аниқлаш учун ажратилган ҳар бўлак тезликлари қирқимига тўғри келган тезланишларнинг ўртача қийматлари:

$$j_{me3_i}^{\bar{y}p} = \frac{\sum_{n=1}^l j_{me3_i}^n \cdot S_{me3_i}^n}{\sum_{n=1}^l S_{me3_i}^n} \therefore m_i < \vartheta_i^{\bar{y}m} \leq k_i.$$

Шунингдек, $\vartheta_i^{\bar{y}m}$ қирқимида ажратилган бўлакларга тўғри келган ўртача ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш тезликлари орасидаги тезланиш сони аниқланади:

$$a_i^{me3} = \frac{j_{me3_i}^{\bar{y}p} \sum_{n=1}^l S_{me3_i}^n}{\vartheta_i^{\bar{y}p}} \therefore S_{me3_i}^n = \vartheta_i^{\bar{y}m} t_{me3_i}^n + \frac{j_{me3_i}^n \cdot t_{me3_i}^n}{2}^2; \quad t_{me3_i}^n = \frac{\Delta V_{\bar{y}p}^n}{j_{me3_i}^n} \therefore m_i < \vartheta_i^{\bar{y}m} \leq k_i.$$

Секинланиши режимининг фазалари таҳлили. Секинланиш режимини ҳаракат циклидаги қийматларини аниқлаш учун ажратилган ҳар бўлак тезликлари қирқимига тўғри келган секинланишнинг ўртача қийматлари:

$$j_{cek_i}^{\bar{y}p} = \frac{\sum_{n=1}^l j_{cek_i}^n \cdot S_{cek_i}^n}{\sum_{n=1}^l S_{cek_i}^n} \therefore m_i < \vartheta_i^{\bar{y}m} \leq k_i.$$

Шунингдек, $\vartheta_i^{\bar{y}m}$ қирқимида ажратилган қисмларга тўғри келган ўртача ўзгармас тезлик билан ҳаракатланиш тезликлари орасидаги секинланиш сони аниқланади:

$$a_i^{cek} = \frac{j_{cek_i}^{\bar{y}p} \sum_{n=1}^l S_{cek_i}^n}{\vartheta_i^{\bar{y}p}} \therefore S_{cek_i}^n = \vartheta_i^{\bar{y}m} t_{cek_i}^n + \frac{j_{cek_i}^n \cdot t_{cek_i}^n}{2}^2; \quad t_{cek_i}^n = \frac{\Delta V_{\bar{y}p}^n}{j_{cek_i}^n} \therefore m_i < \vartheta_i^{\bar{y}m} \leq k_i.$$

Салт ишлаш ёки тұхтаб туриш режимининг тақрорланиш сони N_c ва давомийлиги $T_{xu_i}^c$ қуйидаги тенгламалар орқали аниқланади:

$$N_c = a_1^{mes} + 1, \quad T_{xu_i}^c = \frac{T_{xu}^c}{N_c}.$$

Харакат циклини қуриш автомобиль ҳаракатланиш режимлари фазаларини таҳлил қилиш орқали аниқланган қийматлари уларнинг масштабдаги даври бүйича синтезлаш орқали амалга оширилади.

Яратылған «Енгил автомобильлар учун шаҳар ҳаракат циклини қуриш мантиқий ҳисоб дастури» автомобиль ҳаракат режимлари фазаларини таҳлил қилиш натижасида олинган қийматларни синтезлаш орқали ҳаракат циклини яратиш имконини беради.

Мавжуд ҳаракат цикларининг күрсаткышлари турли қийматта эга бўлғанлиги сабабли, уларнинг умумийлигини ва турлилигини таққосий баҳолаш имконини бермайди. Ҳаракат цикларини таққосий баҳолаш турли шаҳарларнинг энергия самарадорлигини баҳолашда аҳамиятли ҳисобланади.

Автомобиль маълум масофада факатгина ўзгармас тезлик билан ҳаракатланса, автомобильга таъсир этаётган қаршилик кучлари қиймати кичиклиги эвазига унинг ёнилғи тежамкорлиги юқори ҳисобланади. Ҳаракатланиш таркибида тезланиш ва секинланиш режимлари салмоғининг ортиши ёнилғи сарфини ортишига сабаб бўлади. Шунга кўра, ҳаракат цикларининг мураккаблик даражасини баҳолаш мезони сифатида ҳаракат циклида автомобильнинг ёнилғи сарфини ҳаракат циклининг ўртача тезлиги билан сарфланган ёнилғи сарфига нисбати бўйича аниқлаш таклиф этилди:

$$\gamma = \frac{Q_{xu}}{Q_{\bar{y}m}}, \quad (1)$$

бу ерда Q_{xu} – енгил автомобильнинг ҳаракат циклидаги ёнилғи сарфи, г; $Q_{\bar{y}m}$ – ҳаракат цикли масофасини унинг ўртача тезлик қиймати билан босиб ўтган енгил автомобильнинг ёнилғи сарфи, г.

Шаҳар ҳаракат циклидаги ёнилғи сарфи Q_{xu} қуйидаги тенглама орқали аниқланади:


$$Q_{xu} = \sum G_c + \sum G_{\bar{y}m} + \sum Q_{mes}. \quad (2)$$

бу ерда G_c – двигательнинг салт ишлаш режимидаги ёнилғи сарфи, г/с; $G_{\bar{y}m}$ – автомобильнинг ўзгармас тезликдаги ёнилғи сарфи, г/с; Q_{mes} – автомобильнинг тезланишига сарфланган ёнилғи сарфи, г/с. Ҳаракат циклининг масофасини ўртача тезликни ўзгартиргмаган ҳолда босиб ўтиш учун сарфланадиган ёнилғи қуйидагича аниқланади:

$$Q_{\bar{y}m} = \frac{N_T \cdot g_e}{\eta_{TP} \cdot 3600} \cdot t. \quad (3)$$

Ҳаракат цикларининг мураккаблиги таклиф этилган мезонга асосан баҳоланди (5-расм). Бунга кўра ҳаракат цикларининг мураккаблик даражаси мезони автомобилларнинг ёнилғи сарфи бўйича эсплуатация шароитига


